

Марғилон шаҳар, Зухро кўчаси,  
31-уй, 31-хонадонда яшовчи  
М.Тожибоевага

09 12 05  
421-А.7

Сизнинг судлар томонидан ўзингизга нисбатан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилишни сўраб ёзган аризангиз вилоят судида текшириб кўрилди.

Суриштирув органлари томонидан Сизга нисбатан 2002 йил 14 октябрь куни соат 10. ларда тегишли рухсатнома олмасдан Олтиариқ туман суди биноси олдида намойиш уюштириш тартибини бузиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201-моддаси 1-қисмида қайд этилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб маъмурий баённома тузилган.

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди томонидан сизга нисбатан бўлган маъмурий материал 2003 йил 12 сентябрь куни кўриб чиқилиб, Сизнинг ҳаракатларингизда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли маъмурий иш ҳаракатдан тугатилган.

Шикоят аризангиз бўйича маъмурий иш 2003 йил 9 октябрь куни кассация тартибида вилоят судида кўрилиши тўғрисида 2003 йил 26 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Риштон туман суди томонидан Сизга хабар қилинган. 2003 йил 9 октябрь куни Сиз ҳеч қандай сабабсиз вилоят судига келмаганлигингиз учун ишни кўриш 2003 йил 16 октябрь куни соат 10-00 га қолдирилиб, агар сабабсиз келмасангиз иш Сизнинг иштирокингизсиз кўрилиши ҳақида 2003 йил 9 октябрь куни 2-2-100-сонли ёзишма орқали хабардор қилингансиз.

2003 йил 11 октябрь куни вилоят судига келиб, маъмурий иш қачон кўрилиши ҳақида сўраганингизда, вилоят судининг котиби М.Тўланов маъмурий ишни кўриш 2003 йил 16 октябрь куни соат 10-00 га қолдирилганлиги ҳақида Сизга хабар қилган.


2003 йил 16 октябрь куни ҳам ҳеч қандай сабабсиз судга келмаганлигингиз учун маъмурий иш Сизнинг иштирокингизсиз кўриб ҳал қилинган.

Юқоридагиларга кўра, шикоят аризангиздаги вилоят судида иш кўрилишидан хабардор бўлмаганлигингиз ҳақидаги важларингиз асоссиздир.

Суд қарорларини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриш учун юборишга асослар топилмади.

Шу сабабли шикоят аризангиз қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Жиноят ишлари бўйича  
Фарғона вилоят судининг раиси

  
Б.Исломов